

## ШАРТНОМА № 3/22

« 05 » январь 2022 й.

Олтинкул туман

«ELITE OIL TRADE» маъсулияти чекланган жамияти номидан жамият Низоми асосида иш олиб борувчи жамият директори Садыбеков Б, бундан кейинги уринларда «СОТУВЧИ», деб юритилади бир томондан хамда "OBODONLASHTIRISH BOSHQARMASI" номидан жамият (корхона) Низоми асосида иш олиб борувчи жамият (корхона) директори М.Р.Мирзаев бундан кейинги уринларда «ИСЪТЕМОЛЧИ», деб юритилади иккинчи томондан, куйидаги шартномани шу мазмунда туздидар:

### 1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1 «СОТУВЧИ» ушбу шартномада курсатилган ва белгиланган тартибда сиқилган газ етказиб бериш мажбуриятини уз зиммасига олади, «ИСЪТЕМОЛЧИ» етказиб берилган сиқилган газ учун туловларни амалга ошириш мажбуриятини уз зиммасига олади:

Махсулот номи	Ў.б м/куб	Йиллик етказиб бериш микдори
Сиқилган газ	1428	3998400

1.2 Махсулот етказиб бериш «СОТУВЧИ» нинг автомобилларга газ тулдириш компрессор шахобчasi (АГТКШ) оркали «ИСЪТЕМОЛЧИ»нинг автомобиллари газ балонларига газ тўлдириш йўли билан амалга оширилади.

1.3. Махсулот етказиб бериш вақти «ИСЪТЕМОЛЧИ» нинг автомобиллари газ балонларига газ тўлдириш вақти хисобланади.

### 2. ШАРТНОМА СУММАСИ ВА ХИСОБ КИТОБИ

2.1 Шартнома тузилган вақтдаги шартноманинг умумий суммаси 3998400 (Уч миллион туккиз юз туксон саккз минг турт юз ) сўмни ташкил килади. Хом ашёларни, махсулотларни, электр энергия нархларининг оширилиши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг карорлари асосида хамда солик нормаларнинг ўзгариши муносабати билан махсулотнинг нархи «СОТУВЧИ» томонидан ўзгартирилиши мумкин. Сиқилган газ нархи узгариши ёки шартноманинг бошка бандлари узгариши шартномага кушимча келишув тузиш оркали амалга оширилади.

2.2 Автомобилларнинг газ баллонларига тўлдирилаётган сиқилган табиий газнинг шартнома тузилган вақтдаги нархи 1 метр куб учун 2800 (икки минг саккиз юз) сўм қилиб (**акцис 1 м3 учун - 500 сум ва 15% кушилган киймат солиги кушилган холда**) белгиланди.

2.3 Махсулот етказиб бериш (Автомобилларни газ балонларига газ тўлдириш) белгиланган тартибдаги сиқилган газни тарқатиш қайдномасига асосан «СОТУВЧИ» нинг хисоб ракамига хар бир ой учун олдиндан 100 фоиз тўлов амалга оширилгандан сўнг бажарилади.

2.4 Агар «СОТУВЧИ» хамда «ИСЪТЕМОЛЧИ» уртасида шартнома кейинги йил учун хам тузилса, жорий шартнома буйича колдик маблаглар келгуси йил учун тузилган шартнома буйича олдиндан толов хисобига утади.

### 3. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1 «ИСЪТЕМОЛЧИ» автомобилларнинг техник холатига, иш вақтидаги техник хавфсизлигига, автомобил газ балонларининг ишга яроклилик муддатига хамда ёнғин ва экология хавфсизлигига жавобгарлик мажбуриятини уз зиммасига олади:

3.2 «ИСЪТЕМОЛЧИ» куйидагиларга мажбур:

1. Техника хавфсизлигига, сиқилган табиий газдан фойдаланиш коидалари ва инструкциясига, автомобил газ балонларининг ишга яроклилигига хамда амалдаги коидаларнинг бажарилиши;
2. Автомобил эҳтиёт қисмларини ва газ балонларни ишга ярокли холда саклаш, яроклилик муддати утган автомашиналарни АГТКШ га киришини олдини олиш ва ишга яроклилик синовини уз вактида утказиш;
3. Йўл варакасига техник созлиги, газ балонларнинг сони ва уларнинг геометрик сифими туғрисида белгиларни белгилаш;
4. Белгиланган тартибда автомобил газ балонларига газ тўлдириш учун рухсатнома олиш;

3.3 Ишлаб чиқаришда «СОТУВЧИ» автомобилларга газ тулдириш компрессор шахобчаси (АГТКШ) да компрессор ускуналари ва бошка газ тулдириш асбоб ускуналарини жорий ёки капитал ремонт бўлган тақдирда «ИСЪТЕМОЛЧИ» га жорий ремонт бошланишидан 3 кун хамда капитал ремонт бошланишидан 15 кун аввал огохлантиради.

3.4. «СОТУВЧИ» агарда «ИСЪТЕМОЛЧИ» томонидан белгиланган коидалар, газ балон тўлдириш регламенти ва шартномада белгиланган шартлар бажарилмаган тақдирда, автомобилларга сикилган табиий газ билан таъминлаш тўхтатилади.

#### 4. ХИСОБ КИТОБ ОЛИБ БОРИШ ТАРТИБИ

4.1. «ИСЪТЕМОЛЧИ» га берилган сикилган табиий газнинг миқдори «СОТУВЧИ» нинг ўлчов воситаси орқали, яъни электрон газ тулдириш калонкалари орқали хисобланади. «ИСЪТЕМОЛЧИ» нинг автомобилларига сикилган газ билан таъминлаш автомобилларга газ тулдириш компрессор шахобчаси (АГТКШ) да Давлат стандартлари асосида тасдиқланган регламентлар асосида (Регламент №418 13.01.95й) юритилади.

4.2 «ИСЪТЕМОЛЧИ» томонидан куйилган сикилган газ «СОТУВЧИ» томонидан «Сикилган газ таркатиш кайдномаси» орқали бир хил ракамдаги кайднома орқали икки нусхада юритилади хамда «ИСЪТЕМОЛЧИ» нинг автомобил хайдовчилари томонидан хар бир автомобилга куйилган сикилган газ миқдори ва суммаси имзо билан тасдиқланиб, ой охирида хисоб фактура орқали хисоб китоб килинади.

#### 5. ТОМОНЛАРНИНГ МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1 Ушбу шартномада белгилангандан ортиқча олинадиган сикилган табиий газ учун кушимча келишув орқали амалга оширилади. Агарда «ИСЪТЕМОЛЧИ» томонидан олинган табиий газ учун ўз вактида хисоб китоб килинмаган тақдирда, хар бир кечикирилган кун учун хисоб китоб килинмаган суммадан 0.2 фоиз миқдорида пеня ундирилади.

5.2. Агарда «СОТУВЧИ» томонидан сикилган табиий газни ўз вактида етказиб бермаган тақдирда, хар бир кечикирилган кун учун хисоб китоб килинмаган суммадан 0.2 фоиз миқдорида пеня ундирилади.

5.3. Томонлар ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажармаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси конунчилиги бўйича моддий жавобгардирлар.

#### 6. ФОРС МАЖОР

6.1. «СОТУВЧИ» ва «ИСЪТЕМОЛЧИ» куйидаги холларда моддий жавобгарлик учун жавоб бермайдилар:

1. Магистрал газ трубаларда, шахар газ тармоғида ва электр энергия тармоғида авария холатлари бўлган тақдирда олдиндан огохлантира олмаганлиги сабабли;
2. Ёнгин чикканда, ер қимирилаши, сув тошкини ва бошка табиий оғатлар рўй берганда;

#### 7. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

7.1. Ушбу шартнома томонлар томонидан имзоланган сунг кучга кириб **2022 йил 31 декабрь** кадар амал килади.

7.2. Шартнома 2 нусхада тузилиб, иккиси юридик кучга эга бўлиб 1 нусхаси «СОТУВЧИ» да, 2 чи нусхаси «ИСЪТЕМОЛЧИ»да бўлади.

7.3. Ушбу шартнома бўйича низолар келиб чиккан тақдирда томонлар узаро хал этолмаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси белгиланган конунлари асосида Хўжалик суди орқали хал этилади.

#### ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

«СОТУВЧИ»

«ELITE OIL TRADE» МЧЖ

Андижон шахар Олтинкул туман

Кумакай

КФЙ Чунтак махала

x/p 20208 000 500 520 881 001 МФО 01074

ИПН 303513094 ОКОНХ 71211

Андижон шахар амалиёти

Тел: 0 890 258 07 00

ELITE OIL  
TRADE

Б. Садыбеков

ИСТЕМОЛЧИ:

Олтинкул туман Ободонлаштириш Бошкармаси

Manzil: марказ МФЙ Чинобод кучаси 1 ўй

Bank ma'lumotlari:

x/r: 100022860032027065200110001

STIR: 204529051

MFO: 00078 Bank nomi: Микрокридит банк андижон шахар филиали

Молия вазирлигига ягона хисоб вараги Инн •

201122919

МФО 00014 М.Б.Х.К.М.

М.Мирзаев

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY  
XULOSA**

№ GE61256281

1. Loyihaning turi:

Shartnomasi

2. Loyihaning nomi: "Sikilgan gaz etkazib berish to‘g‘risida"

"SOTUVCHI" "ELITE OIL TRADE" ma'suliyati cheklangan jamiyati nomidan jamiyat Nizomi asosida ish odno boruvchi jamiyat direktori Sadibekov B, xamda "IS'TEMOLCHI" Oltinko'l tumani "OBODONLASHTIRISH BOSHQARMASI" nomidan Nizomi asosida ish olib boruvchi boshqarma direktori M.R.Mirzaev o‘rtalarida siqilgan gaz yetkazib berish yuzasidan tuzilgan 05.01.2022 yil kungi №3/22 sohli shartnomasi loyihasi kiritilgan.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:  
Oltinko'l tuman Obodonlashtirish boshqarmasi. 17.01.2022 yil

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Oltinko'l tumani Yuridik xizmat  
ko'rsatish markazi bosh yuriskonsulhti**



A.Karimov

19.01.2022 yil